



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ факультети**


Реферат

Мавзу: Аёл муқаддас ва мўтабар зот.

Бажарди: _____

Текширди: _____

Тошкент - 2014



Мавзу: Аёл муқаддас ва мўтабар зот.

Режа:

- 1) Аёл — она, у халқни дунёга келтиради
- 2) Дуёни тебратар ўзбек аёли
- 3) Ўзбек аёли ифбат ҳаёси

Аёл! Унда бутун олам қувончи, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассам. Аёл севгисидан мусаффо бўлмаган, унинг мардлигидан мадад олмаган ҳамда камтарона йўриғига юрмаган инсон ҳақиқий ҳаёт кечирмаган ҳисоб. Қуёшсиз гуллар очилмайди, севгисиз бахт, аёлсиз муҳаббат, онасиз шоир ҳам қаҳрамон ҳам йўқ. Муқанно-шоирларнинг бу мавзуда тинимсиз ижод қилишларига, балки шу сабаб. Муқаддас аёл бир қўли билан бешик, бир қўли билан дунёни тебратади. Булок сарчашмасидек тиниқ ва беғубор бўлган аёл муҳаббатини ҳеч нарса билан қиёс этиб бўлмайди.

Айниқса, ўзбек аёли деганда, кўз олдимизда тунлари бедор бешик тебратиб, алла айтаётган, ширин табассум ҳадя этиб, қалбимизга муҳаббат чўғини ташлаган, кўзларида ибон нурлари порлаб турган кумуш сиймо қизлар, ишдан ёки ўқишдан атиги бир дақиқагагина кеч қолсак, "Болажоним нега кеч қолдинг, хавотир олдим-ку", — дея меҳрли нигоҳлари билан термулиб турган мунис онажонларимиз намоён бўлади. Биз ўзбекларда "Аёлнинг жони 40 та" деган гап бор. Лекин шундай бўлса ҳам атоқли адибларимиздан бири айтганларидек, "Ўзбек аёли 39 жонини боласи учун қурбон қилиб, ўзи 1 та жони билан яшар экан", ўзбек аёллари қадимдан дунёга улуғ алломаларни ҳадя этганлар. Ҳаё, одоб, ғурур, андиша деб номланган фазилатларнинг илдизи ўзбек аёлларининг қалбидадир. Оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси, меҳмондўстлик, қўни-қўшни, қариндошлар орасидаги меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат буларнинг барчасини аёлларимиз доимо юқори ўринга қўйиб келган.

Дарҳақиқат, бизнинг аёлларимизга хос ўзбекона фазилатлар ҳеч бир мамлакатда йўқ. Ўзбек аёлининг одоби, ҳаёси ва ғурури таҳсинга сазовор. Ундаги ғурур ҳеч қачон ўз жигарбандининг эрки душман зулми остида қолишига, унинг ор-номуси, халқининг истиқболи-ю, ҳуқуқлари топталишига йўл қўймайди.

Тарихдан маълумки, қадим-қадимдан аёллар мардлик ва садоқатда ўрнак бўлиб келишган. Халқ қаҳрамони Тўмариснинг миллат фахрига

айланишига унинг, энг аввало, юртига, халқига садоқати ва эркаклардек мардлиги сабаб бўлди. Массagetлар юртини ҳийла-найранг билан ўз ҳукмронлиги таъсирига ўтказмоқчи бўлган Эрон шоҳи Кир II урушда Тўмарис қўшинларига дош беролмайди. Тўмарис халқини қонхўр подшо зулмидан асраб қолади.

Амир Темур саройидаги малика Сароймулкхоним замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси, ҳусн латофатда ҳам беназир эди. У мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан яхши хабардор бўлгани учун салтанат ишларида Соҳибқиронга маслаҳатчи бўлган.

Темурийзодалар даврида давлатни бошқаришда маслаҳатчи сифатида иштирок этган маликалар кўп бўлган. Отаси вафот этгандан кейин ўн икки ёшли Бобур тахтга ўтиради. Давлатни бошқаришда онаси унга ёрдамлашади. Бобурнинг қизи

Гулбаданбегим "Бобурнома"нинг давоми ҳисобланган "Ҳумоюннома" тарихий асарини ёзади. Мумтоз адабиётнинг атоқли намояндаларидан бири Зебунисобегим Бобур авлодидан бўлиб, замонасининг фозила аёлларидан эди.

Юксак бадиий истеъдод соҳибаси, дилкаш, маърифатпарвар шоира Нодира умр йўлдоши Амир Умархон вафотидан кейин давлат ишларига бош-қош бўлиб, ўғли Муҳаммадалихонга кўмаклашади.

Тарихда яна кўплаб аёлларимиз ўзларидан ўчмас из қолдириб, миллатимизнинг фахрига айланганлар.

Аёлнинг турли фазилатлари ичра ҳаё марваридга ўхшашдир. Бу марвариднинг кадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмас. "Ҳаё дилни равшан қиладурғон бир нурдирки, дейилади Абдулла Авлоний битикларида, - инсон ҳар вақт шул маънавий нурларнинг зиёсига муҳтож!" Ҳа, аёл ҳаёси билан янада зебо.

Ҳаёли аёл иффатли, иболидир,
Ҳаёли аёл номусли, имонлидир,
Ҳаёли аёл покиза, зийнатлидир.

Кўхна Шарқ аёли ҳаёси, иффати, бемисл латофати билан неча асрларки, дунёни лол қолдириб келаётир. Ўтмишимизда зукко, жасур ва йўлбошчи аёллар кўп бўлган. Ўз ғайрати ва салоҳияти билан не-не эркакларни доғда қолдирган аёллар ҳақида кўп эшитганмиз. Бундай аёллар ҳар қандай шароитда ҳам одоб чегарасини бузишмаган, ҳаёсини сақлаганлар. Бундай аёллар тарбиясини олган қизлар ҳаёли, назокатли ва садоқатли бўлиб вояга етишган.

Номус ўлимдан кучли, деган нақдга амал қилинган. Аёл эри ва унинг қариндош-уруғларига ўта хушмуомала бўлган, уларнинг юзига тик боқмаган. Шунингдек, қиз бола ҳам отаси, ҳам акалари билан мулойим, секин сўзлашган. Нафақат муомалада, балки юриш-туришда, кийинишда ҳам қизлар одоб, ҳаё чегарасидан чиқмаганлар.

Афсуски, Ғарбга эргашиш, тақлид қилиш туфайли чиройли урф-одатларимизнинг айримлари унутилди. Қиз боланинг кўча-кўйда очик-сочик кийиниши, уйда эса отаси, акалари билан гап талашини, улар олдида ўзини номақбул тутиши каби ҳолатлар табиий бўлиб кўринади энди. Бундай қизлар оила бекаси бўлишгач, эрларига ҳам қаттиқ гапираверадиган бўлиб қолишмоқда.

Шу тариқа оилада униб-ўсаётган қизлар тарбияси издан чиқади. Бу эса кўпгина хунук ҳолатларни келтириб чиқаради. Масалан, қадимдан ҳаё ва ибода донг таратган момоларимиз издошлари бўлган бугунги ёш қизлар кўча-кўйда қўлида сигарет, ярим яланғоч кўринишда кўриб, беихтиёр алланечук бўдиб кетамиз. Ахир, келажагимиз пойдевори, бизга иқтидорли ёшларимизни тарбиялайдиган ҳам шу аёлларимиз-ку!

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) маълумотларига кўра, чекиш вақтида организмга катта миқдорда газ иси тушади. Бу гемоглобин билан бирикиб, турғун-карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Бу

модда аъзо ва тўқималарга кислородни ташиб бера олмайди. Бўлғуси она ҳомиласида сурункали кислород етишмовчилигини ҳосил қилади, бу эса янги туғилган чақалоқлар ўлимини 50 фоизга оширади. Ҳомиладор аёлларнинг чекиши она бачадонида ҳомила ривожини кечиктиради. Муддатдан олдин туғиш, ўлик туғилиш патологияси вужудга келади.

Бугун қадриятларимиз ўзимизга қайтаётган қутлуғ бир даврда яшаяпмиз. Қизлар тарбиясига одобу иффатини сингдириш саъй-ҳаракати бугунги кунда боғчалардан бошланмоқда, мактабларда маънавият дарслари, ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Оилада эса ота-бувалар ўғитлари ҳам шунга қаратилган. Ахир, қиз бола қанчалик замонавий бўлмасин, ҳаёсини сақлай олмаса, бу унинг феълидаги битта нуқсони саналади. Ҳаёли қиз ҳаммага манзур. Бундай қизлар оилада андишали, оғир-босиқ, итоатли ва қаноатли бўладилар ва шу жиҳатлари билан эркакларнинг юксак эҳтиромини қозона оладилар.

"Иффат ~ хотинларнинг энг зийнатли либоси", — деб айтади донишмандлар.

Собиқ шўро даврида аёлларимиз ҳуқуқлари чекланган эди. Улар фақат "пахта иши"га жалб қилиниб, эртадан кечгача далаларда трактор ҳаидадилар, аёллик ғурури, шаъни топталди. Лекин тан олиш керак, ўзбек аёлига сабр-тоқатда, одоб-ахлоқда, чидам-бардошда ҳеч бир миллат аёли тенглашолмайди. Осойишта ва фаровон турмуш тарзини таъминлашда бош мақсадимиз бўлган буюк келажак қуриш йўлида хизмат қилаётган юртдошларимиз қаторида аёлларимизнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

Юртбошимиз И. А. Каримов томонидан жамиятимизда аёлларнинг ролини ошириш, унинг фаолиятига кенг йўл очиб бериш борасида ишлаб чиқилган фармон ва қарорларида аёлга бўлган чексиз эътибор ётади десак, асло янглишмаган бўламиз.

Республикаимизда аёлларимиз соғлиғига катта эътибор қаратилмоқда. Спорт соҳасида жаҳон миқёсида катта ютуқларга эришяпмиз. Енгил


атлетика, теннис, гимнастика ва бошқа спорт турлари бўйича ўзбек кизлари жаҳон чемпионларига айланмоқда. Жамият тараққиётини аёлларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки улар ҳамма жабҳаларда аллақачон етакчи кучга айланиб бўлган. Оилани саришталаб, болаларни тарбиялаб, яна эркаклар билан бир сафда ишлаб, жамият ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётган аёлларимизни ҳар қанча эъзозласак арзийди. Юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидек, "Аёлларни ҳар қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, ватанимизни эъзозлаган бўламиз".

Истиқлол мамлакатимиз хотин-қизларининг жамият тараққиётида янада фаол иштирок этишларига катта имкон яратади. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари, шунингдек, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларида кўплаб опа-сингилларимиз меҳнат қилишаяптилар. Ўз фидойиликлари эвазига ҳар йили кўплаб аёллар Ватанимизнинг юксак мукофотларига, олий орден ва унвонларга сазовор бўлишмоқда.

Бу куннинг аёли илми, иқтидори, истеъдоди ва ўзгача шиддати билан дунёни яна бир қарра қойил қолдирмоқда. Эндиликда, аёлнинг шижоати янада баландлаган, куч-ғайрати янада жўш ураётгандек. Негаки, истиқлол ўзбек аёлининг оналигини қадрлади, унга чексиз рағбат, катта ишонч, улкан имкониятлар берди.

Дунё мамлакатлари минбарларидан туриб, озод Ўзбекистон номидан сўз айтаётган бугунги аёлларимиз аслида Бибихоним, Нодирабегим, Қурбонжон Додҳоҳ, Тўмарис, Зебинисо сингари билимдон момоларимиз издошларидир. Айни вақтда турли соҳа етакчилари орасида аёлларимиз кўп. Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 18 фоизи ҳам аёллардан иборат. Зулфия номидаги Давлат мукофотини олаётган қизларимизнинг ҳар бири ўз илмини, истеъдодини мустақил давлат келажаги йўлида сарфламоқда.

Бу кун қишлоқ ва маҳалларимиз ҳаёти мисли кўрилмаган даражада ўзгарди, ҳар бир оиладаги муҳит, ҳар бир ўғил-қизнинг хатти-ҳаракати,



тақдири ва келажаги маҳалла фаолларининг назоратида. Диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар маҳаллалардаги ҳар бир оила ҳаётига чуқурроқ кириб боришяпти, хонадонларидаги руҳий психологик иқлимни ўрганишяпти, оналар билан алоҳида сўзлашиб, фарзандларнинг эртанги кунига оид масалаларни ҳал этиштаяпти.

Бизда давлат тизимининг асосий бўғини мамлакатда аёллар аҳволини янада яхшилашга йўналтирилган. Негаки, аёл — она, у халқни дунёга келтиради, унинг қаддини тиклайди, қадрини кўтаради, улуғ миллат сифатида оёққа турғизади.

Демакки, миллатимизнинг шону шавкати, бахт ва саодати, биринчи галда, оналарнинг маънавияти, маданияти ҳамда саломағлиги билан боғлиқ.

Ўзбек аёлларининг юрагида оламни яшнатувчи ранглар, оҳанглар бор. Бутун борлиқ ана шу ранглардан зеболанади.

Жумлаи жаҳон аёлнинг меҳридан қувват олади, шиддати, шижоатидан илҳомланади. Бугунги аёл илму салоҳияти, ўткир сўзи, қайноқ меҳри ва муҳаббати билан дунёга ҳаёт бахш этмоқда.

Биз кечалари бедор, бешик қучоқлаб алла айтган аёлларга таъзим қиламиз. Аёл борки, олам мунаввар!!!